2009-yil 31-mart № 39 (2608) seshanba

Ishonch

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Банк ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари ҳам 2009 йилда устувор вазифа бўлиб қолади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ:

1. «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки акциядорлари қарори ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Марказий банкининг:

«Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки устав капиталини 150 миллиард сўм миқдорида шакллантириш, улушларни унинг акциядорлари орасида иловага мувофиқ тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки очиқ акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини сақлаш ҳамда ўз вақтида қайтаришни кафолатловчи талаблар бўйича «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат банкининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

уй жой-коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва банк хизмати кўрсатиш;

қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича уй жойлар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш ҳамда таъмирлашни амалга оширадиган ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларга кредит бериш ва лизинг хизматларини кўрсатиш;

янги, замонавий қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқарадиган, тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқда объектлар қуришнинг индустриал ва йиғма технологияларини жорий этадиган барча мулкчилик шаклидаги корхоналарга кредит бериш ва комплекс тарзда банк хизматларини кўрсатиш;

қишлоқ қиёфасини сифатли яхшилашни, қишлоқ жойларда муҳандислик ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва такомиллаштиришни, жумладан, йўллар, энергия ва сув таъминоти тизимлари, қишлоқ врачлик пунктлари, мактаблар, болалар спорти объектларини реконструкция қилиш, қишлоқ аҳоли пунктларини транспорт коммуникациялари, ичимлик суви, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси объектлари, телекоммуникация тармоқлари билан таъминлашни назарда тутган ҳолда инвестиция фаолиятини олиб бориш, шунингдек, лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни молиялаштириш;

универсал тижорат банки сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги бошқа комплекс банк хизматларини кўрсатиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг ресурс базасини қуйидагилар ҳисобидан қўшимча шакллантириш манбалари борасидаги таклифлари қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг йиллик 3 фоизли фоиз ставкаси бўйича ва 2010 йилда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ажратмалар ҳисобидан 5 йил имтиёзли давр билан 170,0 миллиард сўмгача миқдорда камида 15 йил муддатга бериладиган мақсадли кредит линияси;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг мақсадли, узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантлари;

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки томонидан қўшимча чиқариладиган акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни юридик ва жисмоний шахсларга сотишдан тушадиган маблағлар.

4. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан, шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини шакллантириш учун ажратиладиган маблағлар тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилишини молиялаштиришга мақсадли тарзда йўналтирилади;

жисмоний шахсларга намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилиши учун Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 50 фоизи миқдоридаги фоиз ставкаси билан энг кам иш ҳақининг 1000 баробаригача миқдорда 15 йил муддатгача кредитлар берилади;

лойиҳаларни банк томонидан бозор шартлари асосида жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ҳамда бошқа банк хизматларини кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тижорат асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ҳамда грантларини жалб этишда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкига кўмак берсин.

6. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки фойда ва мулк солиғи, шунингдек, олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) 2012 йилнинг 1 январигача озод этилсин, бўшайдиган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг банк устав капиталидаги улушини кўпайтиришга мақсадли тарзда йўналтирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ўн кун муддатда «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки Кенгашининг шахсий таркибини ва филиал шохобчалари жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй жой қурилишини кредитлаш тартибини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

«Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида

Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида:

1. «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки акциядорларининг уни «Агробанк» акциядорлик тижорат банки этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Белгилансинки, «Агробанк» АТБ очиқ турдаги акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинади ҳамда мулкий, молиявий ва бошқа мажбуриятлар бўйича, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағлари сақланиши ва ўз вақтида қайтарилишини кафолатловчи талаблар бўйича «Пахтабанк» АТБнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар «Агробанк» АТБнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларига кредит бериш ва комплекс тарздаги банк хизматлари кўрсатиш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари, барча мулкчилик шаклидаги корхоналар, шу жумладан пахта ва ғалла маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва сотишга ихтисослашган пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш саноати корхоналарига кредит бериш ва молиялаштириш механизмларини изчил такомиллаштириб бориш;

ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, агросаноат комплекси тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашга, замонавий чет эл технологиялари ва ускуналарини жалб этишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, шу асосда юқори сифатли, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, ички истеъмол бозорини маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан барқарор тўлдириш;

банкнинг шахсий ресурсларини сафарбар қилиш, омонатлар ва депозитларнинг янги жозибадор турларини таклиф этиш йўли билан аҳоли ва корхоналарнинг маблағларини жалб қилиш, улардан самарали, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда самарали фойдаланиш, қўйилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилишини таъминлаш;

халқаро молия институтлари ва етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестициялари ва грантларини жалб этиб, кейинчалик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари ва республика иқтисодиёти агросаноат сектори корхоналарини ана шу маблағлар ҳисобига қайта молиялаштириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш учун халқаро молия институтлари ва хорижий молия-кредит тузилмаларининг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишда ёрдам кўрсатсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда «Агробанк» АТБ Кенгашининг таркибини тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Адлия вазирлиги ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М.Муллажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 30 март





Янги кун янгиликлари

Андижон вилояти «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари баҳорни янги лойиҳа билан қаршилади. Вилоятда «Speach club» номли хорижий тилларни ўргатувчи марказ иш бошлади.

Марказ иш бошлади

Бугунги кунда ёшлар инглиз, рус, испан ва турк тиллари бўйича сабоқ олишмоқда.

Ушбу марказнинг эшиклари нафақат «Келажак овози» фаолларига, балки барча тил ўрганишни хоҳловчилар учун доимо очиқ.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Бойсунлик тадбиркор Йўлдош Муртазоқулов Наврўз муносабати билан хайрли ишга қўл урди. У «Олмазор» маҳалласи қабристонига борадиган йўл ҳамда қабристон ичкарисидаги йўлакчаларни ўз ҳисобидан қайта таъмирлади.

Қўли очиқ йигит

— Йўлга шағал ётқизиб, икки чети ободонлаштирилди. Очиғи, ота-боболаримиз ётган бу табаррук зиёратгоҳга бориш йўли ёзда чанг, қишда лойлиги учун анча мушкул эди. Ёшлигимда ҳамиша катта бўлсам, йўл қураман, деб юрардим. Фаришталар омин деган чоғи орзуимга эришдим. Яна Наврўз байрами муносабати билан ҳудудимиздаги кам таъминланган ночор оилаларга, чин етимларга ҳам совға-салом улашдик, — дейди тадбиркор Йўлдош Муртазоқулов.

Алплар юрти Бойсунда Йўлдош Муртозақулов сингари саховатли инсонлар кўплаб топилади. Жаҳонгир Бекбоев, Олим Тўраев, Файзулла Ҳамдамов каби тадбиркорлар ҳам азалий урф-одатларимизга амал қилиб бу борада ҳиммат кўрсатишмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Наврўз тантаналари давом этаётган шу кунларда Ромитан туманининг Челонғу қишлоғида катта шодиёна бўлиб ўтди. Бўлажак ёш мутахассислар янгидан қуриб фойдаланишга топширилган педагогика коллежида ўқиш ва амалий машғулотларни ўтказа бошладилар.

Челонғуда янги коллеж

— Жамоамиз ҳозиргача тумандаги 33-умумтаълим мактаби биносининг бир қисмида фаолиятини давом эттириб, коллежимиз қурилишининг тугалланишини интиқлик билан кутаётган эди, — дейди коллеж директори Шуҳрат Исматов. — Ниҳоят, орзуимиз ушалди. Замонавий лойиҳа асосидаги уч қаватли кўркам ўқув масканига эга бўлдик. Эндиликда бу ерда ўқувчиларимизнинг чуқур билим олиши, касб сирларини пухта ўзлаштириши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Дарҳақиқат, 4 йўналишда — бошланғич таълим, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар, мактабгача ва оилавий таълим, жисмоний тарбия ва болалар спорти бўйича малакали мутахассислар тайёрлаш борасида бу ерда етарли имкониятлар мавжуд. Фан кабинетлари зарур ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Ахборот-ресурс марказида касбга доир қўлланмалар, бадиий адабиётлар захираси яратилган. Спорт зали ва стадион ўқувчилар хизматида.

2 млрд. 414 млн. сўмлик лойиҳа-смета қийматига эга, 795 ўқувчига мўлжалланган ушбу билим масканини «Бухороқурилиш» акционерлик жамиятининг 9-қурилиш-монтаж фирмаси жамоаси бунёд этишди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ширин, мазали тортлар кимга ёқмайди, дейсиз. Улар Гулистон туманидаги «Нортўра ота» хусусий фирмасига қарашли новвойхонада тайёрланади. Фирмада нафақат тортлар, балки ширин кулчаларнинг ўндан ортиқ тури бор. Шу боис ҳам сўнгги пайтларда бу ерга харидорлар серқатнов. Шунингдек, «Дока», «Сойка», «Коллаж» каби нонларга талаб кун сайин ошмоқда.

Харидорлар мамнун

Фирма раҳбари Тожибой Содиқов узоқ-яқиндаги дўконлар билан шартнома тузган бўлиб, ҳар куни белгиланган вақтда ўша жойларга иссиқ нон етказиб беради. Бунда тайёр маҳсулот туриб қолмайди, харидорлар ҳам маълум тартибга ўрганади.

— «Нортўра ота» фирмаси билан шартнома тузганимиз — бизнинг ютуғимиз, — дейди «Ўзбекистон» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида савдо қилувчи хусусий дўкон соҳиби Раҳимжон Анорбоев. — Тожибой ака ҳар куни ўзининг шахсий «Тико»сида иссиқ нонларни етказиб турибди.

Пиримкул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Марказий Кенгашлари ва вакилликлар, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан кам таъминланган оилалардан 21 нафарига қорамол тарқатилди.

Касаба уюшма ҳиммати

Саксон ёшни қоралаган Холбиби момо Амриддинованинг 8 нафар фарзанди, 50 га яқин невара-чевараси бор. Пандирон қишлоғида яшовчи бу оилага касаба уюшмаси томонидан зотдор сигир тақдим этилди.

— Касаба уюшма маблағларидан 15 млн. сўм сарфланиб, кам таъминланганларга қорамол олиб берилди, — дейди касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринбосари Исоқ Аҳмедов. — Ижтимоий ҳимояга йўғрилган бундай тадбирлар йил бўйи амалга оширилади.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

■ Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида

Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган молиявий инқироз кўплаб ривожланган мамлакатларни танг аҳволга солиб қўйди. Таъкидлаш лозимки, юртимизда қабул қилинган, амалда ўзини тўлиқ оқлаган ислоҳотлар ва модернизациялашнинг ўзига хос жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодиётини бу хатардан муайян даражада ҳимоя қилишга қодирлигини, ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи сифатида маъсулиятни ўз зиммасига олгани нечоғлик тўғри йўл эканини амалда яна бир карра исботлади.

Айни пайтда жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш мақсадида тезкор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, биринчи навбатда, маҳсулот экспорти билан шуғулланувчи корхоналарни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий ёрдам ва солиқ имтиёзлари бериш, банк секторининг капиталлашувини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва инфратузилмани жадал ривожлантириш, янги иш ўринларини яратишга қаратилган тизимли ва аниқ йўналтирилган ишлар шулар жумласидандир.

Долзарб вазифалар масъулияти

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2008 йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ушбу масалага атрофлича тўхталиб ўтди.

Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризиси оқибатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича кризисга қарши дастури бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди.

Президентимиз юқоридаги маърузасида таъкидлаб ўтганларидек, Инқирозга қарши чоралар дастурида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, энергия тизимини ислоҳ этиш, ишлаб чиқариш корхоналари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Дарҳақиқат, инқироз шароитида тежамкорликка аҳамият бериш нафақат корхоналарнинг меъёрий фаолиятини таъминлайди, балки иш ўрнини сақлаб қолиш ва кўпайтиришга ҳам хизмат қилади.

Федерация қарорида кризисга қарши Дастур бажарилишига кўмаклашиш борасида бир қатор муҳим тадбирлар белгилаб қўйилди. Жумладан, ушбу дастур мазмун-моҳиятидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда жаҳон молиявий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш назарда тутилган. Шунингдек, иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатлари, иқтисодиёт тармоқларининг ишларини меъёрий таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчи етакчи саноат корхоналари ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган Президентимизнинг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонининг қатъий бажарилишига эришиш асосида аҳолини иш ўринлари билан таъминлашга, янги иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш белгиланган. Яна ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, қатъий тежамкорлик ойликларини ўтказиш, бўш пул маблағларини АТ банкларининг қисқа муддатли банк депозитларига қўйиб фойда олиш, сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ЎзКУФ маблағларидан тежамкорлик билан фойдаланиш каби кенг кўламли вазифалар белгилаб олинди.

ЎзКУФҚ Раёсат қароридаги бутун бир банд қатъий тежамкорлик режимини қўллашга бағишланган бўлиб, унга риоя этишнинг ўзиёқ жуда кўплаб маблағларнинг янада муҳимроқ юмушларга сарфланишига имкон яратади. Шак-шубҳа йўққи, касаба уюшмалари тизимидаги барча ташкилотларда тежамкорлик ойликларини ўтказиш, яъни ягона молиявий сиёсат доирасидан чиқмаслик, электр энергияси, сув, коммунал харажатларни камайтириш, баъзи бир тадбирларга пул ўтказишни тўхтатиш, айтиш мумкинки, етакчиларни касаба уюшма бюджетидан янада оқилона фойдаланишга ўргатади.

Таъкидлаш лозимки, касаба уюшма ташкилотлари учун бош масала бундан кейин ҳам жамоа шартномалари ва тармоқ келишувлари бўлиб қолаверади. Ижтимоий жиҳатдан барқарор корхоналар ходимлари билан бир қаторда, банкротлик ёқасига келиб қолган ёки бўлмаса, у ёки бу ҳамкорларнинг айби билан дебитор қарздорлик туфайли оғир иқтисодий аҳволга тушиб қолган корхона ходимларини ҳам ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилади. Ҳозир биз учун мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва имконият туғилган ҳолларда янгиларини яратишга эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу эса вазиятга қараб иш тутишни ва албатта, иш берувчи билан икки томонлама манфаатли ижтимоий шериклик позициясини мунтазам равишда мустаҳкамлаб боришга эътибор қаратишни тақозо этади.

Шунингдек, ЎзКУФ томонидан янги иш ўринларини ташкил этиш режасига мувофиқ, 1000 яқин янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган бўлиб, дастурнинг бажарилишига 3 млрд. сўм маблағ сарфлаш режалаштирилмоқда.

Жумладан, халқимизнинг азалий анъаналаридан бўлмиш Наврўз умумхалқ байрамини муносиб ўтказиш ва жорий «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш изчил давом эттирилмоқда. Жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида ЎзКУФ бюджетидан 99,25 млн. сўм маблағ сарфланиб, 130 га яқин қорамоллар сотиб олинди ҳамда 130 та иш ўрни яратиш ишлари амалга оширилмоқда. Айни пайтда жамоа шартномалари талабларидан келиб чиқиб, прокуратура органлари ва меҳнат инспекциялари билан ҳамкорликда иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш жараёни қатъий назоратга олинган.

Шу билан бирга, Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобидаги материаллар, қоидалар ва хулосаларни ўрганиш юзасидан чора-тадбирлар комплекси тўғрисида»ги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 мартдаги Фармойишига мувофиқ, миллий иқтисодиётнинг ютуқлари ҳамда Ўзбекистон шароитида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини бартараф этиш бўйича устувор вазифаларнинг амалий аҳамиятини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириб беришга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Дарҳақиқат, инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш 2009 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида белгиланган. Дастурда макроиқтисодий мутаносибликни ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъмин этишга, аҳолини иш билан таъминлаш ва уни самарали тарзда ижтимоий муҳофазалашга қаратилган чоралар, кичик бизнесни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа тадбирлар назарда тутилган. Эътироф этиш жоизки, ушбу дастурни амалга ошириш баробарида бугуннинг ўзида салмоқли, кўзга кўринарли натижаларга эришилмоқда. Айни пайтда инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли тарзда амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, марказдаги ва жойлардаги барча бошқарув, молия, хўжалик юритувчи тузилмалар билан бирга касаба уюшмалари етакчиларидан ҳам чуқур масъулиятни ҳис этган ҳолда пухта ишлаш талаб этилади.

Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари, тармоқ касаба уюшма Марказий кенгашлари, Республика, ҳудудий ва тармоқ кенгашларига, Ўзбекистон КУФК тасарруфидаги ташкилотларга Президентимизнинг ушбу китобини барча меҳнат жамоаларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, санаторийларда етакчи олимлар ва амалиётчи иқтисодчиларни жалб этган ҳолда ўрганишни ташкил этиш топширилган. Ва китоб материаллари бўйича мутахассислар, ишчи ходимлар, талаба ва ўқувчилар иштирокида давра суҳбатлари, семинарлар уюштириш борасида аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Шу билан бирга, корхона, ташкилот ва ўқув юртлари, санаторийлар кутубхоналари, «Маънавият ва маърифат» хоналарини китоб билан таъминлаш, уни ўрганиш бўйича махсус соатлар киритиш ҳам режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, Инқирозга қарши чора-тадбирлар юзасидан Президентимизнинг қатор кўрсатмалари, Ҳукумат Қарорлари ҳамда куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг ўн саккизинчи ялпи мажлисида қайд этилган вазифалар барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Матбуот хизмати

Қорақалпоғистон



■ ***Қорақалпоғистон Республикасининг умумий ер майдони 166,6 минг километр квадрат. Аҳолиси 1,7 млн.га яқин.***

■ ***Қизилқум сахросининг шимолий-ғарбий қисмини, Устюрт платосининг жанубий-шарқий қисмини, Амударё делтасини эгаллайди. Орол денгизининг жанубий қисмида жойлашган. Ўн тўрт туман ва икки шаҳардан иборат.***

Юксалиш сари

Мамлакатимизда кичик бизнес, якка тадбиркорлик, ишлаб чиқариш ва сервис соҳаларини ривожлантиришга бўлган эътибор, яратилаётган шароитлардан қорақалпоғистонликлар ҳам кенг фойдаланишмоқда. Президентимизнинг «2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида хизматлар ва сервисни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу соҳани жадал ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, хизмат бозорини ва унинг янги турларини ривожлантириш, иқтисодиётдаги улушини орттириш, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлганлар сонини, аҳоли даромадларини ошириш, ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдириш каби кўплаб имкониятларни берди.

Ўтган йили Қорақалпоғистонда умумий хизматлар кўрсатиш 118,5 фоизга белгиланган эди. Амалда бу кўрсаткич 123 фоизни ташкил этди.

2008 йилда қишлоқларда 140 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, жумладан, 30 та тикув ательеси, 31 та пойабзал устахонаси, 25 та гўзаллик салони ва сартарошхона ташкил этилди. Қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми 90284,8 миллион сўмни ташкил қилди.

Хизматларнинг ўсиши муносабати билан қишлоқларда 6909 нафар киши иш билан таъминланди.

2009 йилда қишлоқларда 92 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этиш режалаштирилган. Уларнинг 23 таси тикувчиликка, 30 таси пойабзал таъмирлашга, 20 таси гўзаллик салони ва сартарошхонага ихтисослашади. 13 та фотосалон, 3 та ҳаммом ва 5 та бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 19 та озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи, 6 та умумий овқатланиш шохобчаси бунёд этилиши режалаштирилган.

Бу эндиликда қишлоқларимиз гуллаб яшнаётганидан, турмуш фаровонлиги яхшиланиб, юксак маданият кириб келаётганидан далолатдир.

Гулжон ХОЛМУРОТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари

Бугунги қишлоқларимизни 10-15 йил олдинги ҳолати билан таққослаб бўлмайди. Баъзида арзимаган нарса учун ҳам туман марказига боришга тўғри келар, бу эса аҳолига баъзи мушкулликларни туғдирарди.

Қишлоғимиз обод бўлади

Президентимиз томонидан аҳолига қўшимча томорқа ерларининг берилиши қишлоқ одамларининг қаддини кўтаришга хизмат қилган бўлса, тадбиркорликнинг йўлга қўйилиши ва қўллаб-қувватланиши уларнинг яширин истеъдодларини юзага чиқара бошлади. Бирин-кетин тикувчилик, қандолатчилик, новвойлик каби хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари бунёд этилиб, аҳоли учун янги қулайликлар туғдириш билан бирга иқтисодий муваффақиятларга сабаб бўлди.

Эндиликда барча хонадонларда қорамолу парранда бор. Томорқада етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари аксарият оилаларда кейинги ҳосилгача бемалол етади. Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолига сервис хизмати кўрсатишни ташкил этиш, замонавий алоқа тизимини ўрнатиш, табиий газ, электр қуввати ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар туфайли овулларимиз шаҳар билан беллаша бошлади.

Овул фуқаролар йиғинимизда 13 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқ врачлик пункти, саккизта мактаб, иккита мактабгача таълим муассасаси, деҳқон бозори, тикувчилик цехлари, сартарошхона, фотостудиялар, ғишт заводи ва савдо дўконлари эл хизматида. Фермер ва тадбиркорларимиз овулимизни ободонлаштиришга кўмакдош бўлишмоқда.

Кўплаб хонадонларда «Нексия», «Тико», «Матиз», «Дамас» русумли машиналарни учратиш мумкин. Бу эса турмуш фаровонлигидан далолат. Ўзимизда ишлаб чиқарилган микроавтобуслар қатнови йўлга қўйилганлиги аҳолига янги қулайликлар туғдирди.

Бу йил касаначиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш борасида янада кўпроқ ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз.

Фарҳод ИБАДУЛЛАЕВ,
Элликқалъа туман «Қирқиз» овул фуқаролар йиғини раиси

Дастурхон бутлиги — кўнгил тўқлиги

Халқининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилишар экан, демак томорқа ва чорва улар иқтисодиётини мустаҳкамловчи восита саналади.

Барча хонадонлар ўз томорқасига эга. Бу ерда етиштирилган ҳосил эвазига улар нафақат ўзларининг, балки шаҳарликлар дастурхонининг ҳам файзли бўлишларига улуш қўшмоқдалар. Томорқасига яхши қарагани эвазига янги иморат қуриб, машина харид қилмоқда ва бизнесларини йўлга қўймоқда.

Давлат дастури асосида ўз вазифаларимизни белгилаб олдик. Айни пайтда унинг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Ҳар бир хонадонда қорамол, парранданинг бўлиши ижтимоий ҳимоя воситаларидан ҳисобланади. Шуни эътиборга олган ҳолда, маҳаллий раҳбарлар билан биргаликда юқори натижаларга эришиш чоралари кўрилмоқда.

Йил бошида аҳолида 609,9 минг бош қорамол мавжудлиги қайд этилган.

Ўтган йили қишлоқ жойларда кам таъминланган, кўп болали ва ёш оилаларга маҳаллий ҳокимиятлар, ҳомийлар ва нодавлат ташкилотлар томонидан 7944 бош қорамол бепул берилди. Ушбу мақсадда тижорат банкларидан имтиёзли кредитларнинг ажратилиши ҳам кўплаб оилаларнинг сигир-бузоқли, қўй-қўзили, паррандали бўлишига хизмат қилди. Мазкур оилалар аъзолари учун меҳнат дафтарчалари очилди.

Мақсадимиз қишлоқ одамининг дастурхони бут бўлишига кўмаклашишдир. Дастурхони бут одамнинг кўнгли тўқ бўлади. Кўнгли тўқ одам эса эл равнақига улуш қўша олади.

Ҳасан ЕРМАҒАМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Рақамлар тилга кирганда

Аҳолининг 44,4 фоизи қишлоқларда истиқомат қилади. Улар 136 та қишлоқ фуқаролар йиғини атрофида бирлашган.

***

225478 деҳқон хўжалиги мавжуд бўлиб, 1616 таси юридик шахс мақомига эга. Уларга 47004 гектар ер майдони бириктирилган. 2008 йилда деҳқон хўжаликлари томонидан 204734 миллион сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди.

Ўтган йили деҳқон хўжаликларида 67,7 минг тонна донли экинлар, 17,1 минг тонна картошка, 54,4 минг тонна сабзавот, 32,1 минг тонна полиз, 8,9 минг тонна мева, 2,72 тонна узум, 48,1 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 149,7 минг тонна сут, 27,3 миллион дона тухум, 522,1 тонна жун ва 45,8 миллион дона қоракўл тери тайёрланди.

***

2009 йил 1 январгача республикада хўжалик юритувчи субъектлар сони 21507 тани ташкил қилган бўлиб, уларнинг 18900 таси кичик бизнес субъектларидир. Ушбу субъектларнинг 15558 таси қишлоқда жойлашган. 2008 йилда қишлоқда 2084 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Кичик бизнеснинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотидаги улуши 95,6 фоизни ташкил қилади.

***

Республикада 47 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона давлат рўйхатига олинган. Шундан 23 таси қишлоқ жойларда фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 16 таси саноат, 4 таси қишлоқ хўжалиги, қолган учтаси қурилиш, улгуржи савдо ва умумий овқатланишга ихтисослашган. Бултур қишлоқлардаги қўшма корхоналарда 1217,1 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

***

«Ўзбектелеком» АК «Қорақалпоқтелеком» филиали томонидан кўрсатилган 6541,5 миллион сўмлик жами хизматларнинг 68,7 миллион сўми қишлоқларга тўғри келди.

Қишлоқларда 16993 та телефон аппарати ўрнатилган бўлиб, уларнинг барчаси хонадонларда хизмат кўрсатади.

***

Айни пайтда Қорақалпоғистонда 179 та қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатади. Уларнинг 64 таси янгидан барпо этилиб, 108 таси «Саломатлик-1», 56 таси «Саломатлик-2» лойиҳалари доирасида зарур тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

«Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...»

Бу йил Зулфия номидаги давлат мукофотига адабиёт йўналиши бўйича қорақалпоғистонлик Қумар Бекниёзова сазовор бўлди.

Қумар республиканинг энг чекка ҳудудларидан бўлган Тахтакўпир туманининг «Тахтакўпир» ширкат хўжалигида туғилиб, вояга етган. Қишлоқ қизининг ўн етти ёшида давлат мукофотига сазовор бўлишини бундан йигирма йиллар муқаддам оддий ҳолат деб бўлмасди. Аммо эндиликда тараққиёт эпкинлари чекка қишлоқларни ҳам қамраб, таълим-тарбияга бўлган улкан эътибор туфайли қишлоқ ёшлари иқтидорларини намоён қилиш имконига эга бўлмоқдалар.

Қумар ҳам ҳамқишлоқлари қатори пода боқиб, далада ишлаб катта бўлган. Алламберган ака билан Зағийпа опа ҳар гал унинг кўмагидан қувониб, қани сенга нима олиб берайлик, деб сўрашганида Қумар бирон янги китобнинг номини айтарди. Шу боис ота-онаси ҳар сафар Нукусга, туман марказига йўллари тушганида китоб дўконига кириб ўтишни канда қилишмасди. Ана шундай эътибор, меҳр туфайли Қумар ўзидаги истеъдодни намойиш қилиш имконига эга бўлди.

Қумар Бекниёзова айни пайтда Қорақалпоғистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ижтимоий-гуманитар йўналиши бўйича 3-босқичда таҳсил олади.

— Шогирдимнинг «Хат» ҳамда «Болаликдан елеслер» номли китобчалари мухлислар эътиборига ҳавола қилинди, — дейди устози Мийригул Абдимуҳаммадалиева. — У изланишда давом этмоқда. Бу йил «Наврўз ва қадриятлар» республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этиб, учинчи ўринга сазовор бўлди. «Инсон ва жамият» танловида ҳам ғолибликни қўлга киритди. Мен унга ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш эканлигини кўп таъкидлайман. У эса аллақачон буни англаб етган, тинимсиз ўқиб, янгиликка интилади.

Пердегул ХОЖАМУРАТОВА,
«Ishonch»нинг Қорақалпоғистондаги мухбирлар пости аъзоси

Республикаси

Алоқа бўлимимизда 5758 та телефон рақами рўйхатга олинган. Уларнинг узлуксиз ишлаши, ҳамюртларимизнинг дил сўзлари, истакларини узоқдаги қариндошларига, биродарларига бир зумда етказиши учун 65 нафар малакали ишчи-хизматчи хизмат кўрсатмоқда.

Жаҳон билан тиллашаётган Қўнғирот

Қўнғирот қишлоқлари бир-биридан анча олисда жойлашган. Дейлик, бир чеккаси туман марказига 250-300 километргача келади. Бошқа тараф эса 90-100 километргача чўзилади. Бундай масофада, шубҳасиз, телефон орқали мулоқот энг арзон ва қулай воситадир. Шунинг учун ҳам биз АТСларимиз тўхтовсиз фаолият кўрсатишини таъминлашга ҳаракат қиламиз. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг барчаси Япония кредити ҳисобига рақамли аппаратларга алмаштирилди.

Одамларни бир-бирига яқинлаштиришдай масъулиятли ва шарафли вазифани адо этаётган ходимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилаяпмиз. Маъмурият билан касаба уюшмалари ўртасида имзоланган жамоа шартномасида акс эттирилган шартлар тўла ижро қилиниши таъминланмоқда. Бўлим бошлиғимиз Нурримон Ўтесенов билан бамаслаҳат кам таъминланганларга ёрдам бериш, дам олиш шароитини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар қилаяпмиз.

Ўтган йили маънавият ва маърифат хонаси, музей ташкил қилишга муваффақ бўлдик. Улар кўплаб адабиёт ва экспонатлар билан бойитилди. Бу ерда ходимларимиз шахмат-шашка ўйнашлари учун ҳам шароит бор. Музейдан эса бўлимимизда ишлатилган дастлабки аппаратуралар, фидойи ходимлар фаолиятини акс эттирувчи суратлар жой олган.

Барча қулайликларга эга спорт залимизда стол теннниси, гимнастика, биллиард ва бошқа спорт ўйинлари билан шуғулланиш учун имкониятлар яратилган. Ходимларимиз ўртасида тез-тез спорт мусобақалари ўтказиб борамиз.

Ўтган йили жамоа шартномаси асосида 2 мутахассисга 518 минг сўм, 18 нафар ишчига 1278 минг сўм миқдорида устама ҳақ тўланди. 65 нафар ходимимизнинг барчасига моддий ёрдам ажратилиб, 5 миллион 878 минг сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, 2768 минг сўм миқдорида мукофот пуллари тўланди.

Жамоа шартномамизда узоқ йил самарали меҳнат қилганларга қўшимча ҳақ тўлаш ҳам акс этган. Бахит Кепенова, Қалбика Рўзимова узоқ йиллардан бери бўлимимизда фаолият юритишади. Улар ёшлардан ўз маслаҳатларини, кўмакларини аямайдилар. Биз ҳам уларни алоҳида эъзозлаймиз.

Бултур аъзоларимизнинг 6 нафар фарзанди Тошкентдаги, 10 нафари эса Қорақалпоғистондаги оромгоҳларда дам олдирилди.

Бошланғич ташкилотимиз тармоқ ичида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида 2-ўринни олишга муваффақ бўлди.

Қўнғиротдаги яқинларингизга истаган пайтда қўнғироқ қилсангиз, улар «Лаббай, сизни эшитяпман» дея жавоб беришади.

Марям БОЛТАБОЕВА,
Қўнғирот туман алоқа бўлими бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси

Мустақиллик туфайли луғатимизда пайдо бўлган «коллеж» атамаси ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллай бошлади. Жамоаларимизга коллежларни тамомлаган, янгича дунёқараш соҳиблари бўлган ёшлар кириб келди. Аксариятимизнинг фарзандларимиз, оила аъзоларимиз коллеж ўқувчиларига, битирувчиларига айланди. Эндиликда ушбу билим масканларига, унинг мутахассисларига эҳтиёж янада ошмоқда. Шу боис коллежлар нафақат шаҳар, туманларда, балки қишлоқларимизда ҳам бунёд этилмоқда.

Янги коллеж ва янгича қарашлар

Хўжайли алоқа коллежи талаб ва эҳтиёжлар асосида туманнинг «Саманкўл» овул фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиб, фойдаланишга топширилди. 360 ўринли ушбу билим масканини бунёд этишда «Қорақалпоқ ПГС» қурувчилари муносиб улуш қўшдилар.

2008-2009 ўқув йилида билим даргоҳи почта хизмати, электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш, радиотехника ва телеаппаратураларга хизмат кўрсатиш, радиоэшиттириш, радиоалоқа, ТВ воситаларига техник хизмат кўрсатиш, ҳисоблаш машиналари мажмуалари ва тизимлари соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлашга киришди. Биринчи ўқувчиларимиз 150 нафардан зиёд бўлиб, аксарияти қишлоқ ёшларидир.

Замонавий услубда бунёд этилган коллеж АРМ, компютер синфи, кимё, физика, чизмачилик лабораторияларига, 2 та лингафон хонаси, спорт зали, устахона, спорт майдончаларига эга. Айни пайтда коллеж янги жиҳозлар билан бойитилмоқда.

Умид қиламизки, ҳали битирувчиларимиз нафақат шаҳар, балки қишлоқларда ҳам алоқа соҳасининг ривожига улуш қўшадилар.

Одилбек ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Хўжайли алоқа коллежи директори

«Халқобод»нинг умидли одимлари

Отам раҳматли «киши доимий изланишда бўлиши керак» деб кўп таъкидларди. Биз олти ака-ука ҳар доим унинг насиҳатига амал қилишга ҳаракат қиламиз.

Тўқсонинчи йилларнинг охирига келиб чорвачилик анчайин оқсай бошлаган эди. Оқибатда, гўштни қайта ишлаш ҳам камайди. Республика ҳукуматининг чорвачиликни ривожлантиришга бўлган эътибори биз тадбиркорларни руҳлантирди. 2007 йил кузида гўштни қайта ишлашни йўлга қўйиш мақсадида «Миллий банк»нинг Нукус филиалидан 5 йил муддатга 7 фоизли йиллик устама билан 200 миллион сўм имтиёзли кредит олдик. Кегейли туманининг «Халқобод» деҳқон фермерлар уюшмаси ҳудудидан бино қуриш учун ер майдони ажратилди. Ўтган йил охирида колбаса цехи қурилиши тугалланди.

МЧЖ маблағи ҳисобига Австриянинг «SCHALLER» компаниясидан ускуналар келтириб ўрнатдик .

«Халқобод» шу йил бошида кунига 100 килограмм маҳсулот тайёрлаш билан ўз фаолиятини бошлади. Маҳсулотимизнинг юқори сифатга эгалиги туфайли унинг Қорақалпоғистон бозорларига кириб келиши қийин бўлмади. Эндиликда доимий мижозларимиз сони ортган. Шунга яраша ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошди. Бу ерда суткасига 17 турда 1 тоннадан зиёд колбаса маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Цехимизда 30 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилади. Ишчи-хизматчиларимиз учун барча шароитларни муҳайё қилишга ҳаракат қилаяпмиз. Улар махсус кийим-бош билан таъминланган. Тўла жиҳозланган дам олиш, ювиниш хоналари ходимларимиз хизматида. Бундан ташқари, бепул иссиқ овқат ташкил қилинган.

Фарҳод Худойберганов, Женис Жапақов, Оразбек Сейитназаров каби ёшларимиз аллақачон ўз касбининг усталарига айланишди.

Нукус шаҳрида фирма дўконимизни ташкил қилдик.

Кичик корхонамиз кунига 4 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Талаб ортса, ишни икки сменада ташкил қилмоқчимиз. Цех атрофини боққа айлантириш тараддудини бошладик. Ҳудудимизда иссиқхона бунёд этмоқчимиз. Чорвачилик, паррандачиликни йўлга қўйиш режамиз ҳам бор. Ниятларимизнинг амалга ошиши юздан зиёд ёшларни иш билан таъминлашга имкон беради.

Элбрус АВЕЗОВ,
«Кегейли бўян» МЧЖ раҳбари





Саломатлик — бебаҳо бойлик

Инсоннинг ўз мақсадига эришишида, энг аввало саломатлиги муҳим аҳамият касб этади. Саломатлик — туман бойлик дейишгани ҳам бежиз эмас. Соғлигини йўқотган одамнинг кўзига мол-дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам кўринмайди.

Қорақалпоғистон шароитида инсон саломатлигини муҳофаза қилиш энг долзарб вазифалардан саналади. Дардни даволагандан кўра, олдини олган афзал дейишади. Шу боис республика раҳбарияти томонидан аҳолининг тиббий маданиятини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

ҚВПларнинг фаолият бошлаганлиги аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга бўлган улкан эътиборнинг бир тимсоли десак янглишмаймиз. Айни пайтда 15 та қишлоқ врачлик пунктларида зарур тиббий воситалар билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатувчи муассасалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга, уларда ишловчи умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш, малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баъзи қишлоқлар туман марказидан анча узоқда жойлашган. Ҳар дақиқаси ғанимат бўлган қишлоқ одами узоқ йўл босиб марказга келиши осон эмас. Шу боис улар фақат оғриқ кучайгандагина шифокорга мурожаат қилишга мажбур эдилар. Эндиликда бу муаммо ўз-ўзидан барҳам топди. Қишлоқ аҳли кўп вақт ва маблағ сарфламасдан, малакали шифокор кўмагидан баҳраманд бўлмоқда.

Йил давомида бир неча ҚВПга телевизор, адабиёт, спорт анжомлари етказиб беришни мўлжаллаганмиз. Қишлоқларда истиқомат қилувчи ходимларимиз санаторий-профилакторийларда дам олдирилади.

Лиза БОЙБЎСИНОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон кенгаши раиси

Қўшсаҳифани «Ishonch» мухбирлари Муҳаббат ТЎРАБОЕВА ва Шерзод АБДУСАМАДОВ тайёрлади.

Журналист текшируви

Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалигида 2004 йилнинг 8 июлидан буён иқтисодчи вазифасида ишлаб келаётган Нигора Рўзиқулова 2008 йилнинг 21 майида раҳбар тазйиқига учради: иш берувчи асоссиз равишда уни ишга қўймай, хизмат хонасидаги сейфни («идоранинг хавфсизлигини таъминлаш» баҳонасида далолатнома тузиб) муҳрлаб қўйди. Нигора бу ҳақда Республика ўрмон хўжалиги бошқармасига ўз вақтида мурожаат қилди. Аммо қониқарли жавоб ололмади.

Зуғум

ёхуд бир маъмур хоҳиши туфайли суд қарори ижросиз қолаётгани хусусида



Н.Рўзиқулова 2005 йилнинг 18 март куни ишдан уйига қайтаётиб, бахтсиз ҳодисага учрагач, 2-гуруҳ ногирони бўлиб қолганди. Корхона маъмурияти бу бахтсиз ҳодисани иш вақтида бўлмаган деб ҳисоблаб келди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро суди 2009 йил 29 январ кунидаги ҳал қилув қарорига мувофиқ Н.Рўзиқулованинг Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалигидан меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиш оқибатида келиб чиққан бахтсиз ҳодиса учун тўланмаган иш ҳақи (товон пули), бирйўла тўланадиган нафақа, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, даъвогар 2005 йилнинг 18 март куни учраган бахтсиз ҳодисани меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган деб топди. Ва унга кўра Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалигидан 513.996 сўм бирйўла тўланадиган нафақа, 2.169.079 сўм товон пули, 553.505 сўм дори-дармон ва қўшимча харажатлар, 100.000 сўм маънавий зарар даъвогар фойдасига ундириладиган бўлди.

Н.Рўзиқулова Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалигига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судида даъво иши қўзғатиб, ишга қўйиш мажбуриятини юклашни, иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суд ишни 2008 йилнинг 7 июлида кўриб чиқди. Меҳнат шартномаси бекор қилинмай туриб, Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалиги раҳбари томонидан Н.Рўзиқулованинг ишга қўйилмаслиги ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини камситиш билан боғлиқ ғайриқонуний ҳаракатдан бошқа ҳеч нарса эмас эди.

Шунинг учун суд ўрмон хўжалиги раҳбарининг ҳаракатини ғайриқонуний деб топиб, унга Н.Рўзиқуловани иқтисодчи лавозимига ишга қўйиш мажбуриятини юклади.

Даъвогар фойдасига 346.032 сўм иш ҳақи, 400.000 сўм маънавий зарар ўрмон хўжалигидан ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Шунингдек, суд иш берувчи С.Умрзоқовга нисбатан Н.Рўзиқулованинг қонун доирасидаги меҳнат ҳуқуқлари очиқчасига топталганлиги, ходимлар бўлимида меҳнат қонунчилигига риоя қилиш йўлга қўйилмаганлиги, корхонада «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари эътиборга олинмаганлиги сингари қатор қонунбузилишлар ҳақида хусусий ажрим чиқариб, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бош бошқармасига тақдим этди.

Касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Н.Рўзиқулованинг ҳақ-ҳуқуқини тиклашда ёрдам беришлари ҳақида вилоят ўрмон хўжалигига тақдимнома киритди. Аммо ўрмон хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитасининг хатти-ҳаракати бизни ҳайратга солди.

Вилоят ўрмон хўжалиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси У.Аширматов эса касаба уюшма аъзоси Н.Рўзиқулованинг меҳнат ҳуқуқлари бузилаётгани, қадр-қиммати камситилаётганлиги ҳақида раҳбариятга маълум қилиш ўрнига 2008 йил 10 июнда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига хат билан мурожаат қилиб, Н.Рўзиқулованинг аризаси асоссизлигини кўрсатиб, унинг аризасини инобатга олмасликни сўраган. Бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси шулар билан чекланмай, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва вилоят прокуратурасига ҳам худди шундай мазмунда хат юборган.

Суд корхона бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси У.Аширматовга нисбатан хусусий ажрим чиқариб, вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши эътиборини бошланғич касаба уюшмасида содир қилинган қонунбузарликларга жалб этди.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди апелляция судлов ҳайъатининг 2008 йил 14 августдаги ажримида ҳам фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг 2008 йил 7 июлдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди.

Мазкур судлар қарорига нисбатан фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди томонидан протест киритилган бўлиб, ушбу протест Олий суд томонидан маъқулланмаганлиги сабабли суд қарорлари ижрога қаратилди.

— Бир қарашда адолат тўла тантана қилгандек, афсуски, бундай бўлмади, — дейди адвокат Б.Равшанов. — Мана саккиз ойдирки, суд ҳал қилув қарорининг Жиззах давлат марказий ўрмон хўжалиги раҳбари С.Умрзоқовга ходим Н.Рўзиқуловани аввалги ишлаб келган иқтисодчи лавозимига ишга қўйиш мажбурияти юклатилган банди ҳамон бажарилмай келаяпти.

Суд ижрочиларининг Жиззах шаҳар бўлими катта суд ижрочиси В.Омонованинг 2008 йил 3 сентябрдаги, 4 ноябрдаги ва 12 декабрдаги ўрмон хўжалиги раҳбари С.Умрзоқовга йўллаган огоҳлантириш хатлари, Жиззах шаҳар прокуратурасига қилинган мурожаатлари ҳам сувга чўккан тошдек изсиз йўқолди.

Шундан сўнг суд ижрочилари «Ижро ҳужжати»дан қутулишнинг осон йўлини топишади шекилли, ижро ҳужжатини 2009 йилнинг 16 январида хамирдан қил суғургандек фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига қайтарди. Суд эса ўзининг 26 январдаги 39-рақамли алоқа хати билан Жиззах шаҳар суд ижрочилари бўлинмасига «Суд ижрочиларининг Н.Рўзиқуловани ишга тиклаш ҳақидаги ижро варақасининг ижросини таъминламасдан судга қайтарилиши ғайриқонунийлиги, уни ишлаб келаётган иқтисодчи вазифасига ишга тиклаш мажбуриятини юклаш лозимлиги»ни уқтиради.

Ҳолбуки, суднинг ишга тиклаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 72-моддасига асосан дарҳол ижро қилиниши лозим эди.

Қонунда суд ижрочисининг ўз ваколатлари доирасидаги талабларини Ўзбекистон ҳудудидаги барча органлар, жисмоний ва юридик шахслар бажаришга мажбурлиги, унинг талабларини бажармаслик, зиммасига юкланган вазифаларни бажаришига монелик қилувчи хатти-ҳаракатлар содир этиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

Қисқаси, мазкур ҳолатда суд ижрочиси қатъийлик билан ижро ҳужжатларининг ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этилиши чораларини кўриши зарур эмасмиди?! Ёки бунда бирор сир борми?! Нима бўлган тақдирда ҳам бунда қонун нормаларига ва виждон амрига итоат қилинмаётгани кундек равшан.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Дилга кўчган оҳанглар

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида Наврўзга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

— Айни кунда бу ерда қарийб уч минг киши меҳнат қилади, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Наргиза Орипова. — Шундан 500 нафарга яқини олий тоифали шифокордир. Баҳорий таомлар — сумалак, ҳалим ва кўксомса тортилган дастурхон атрофида кўпни кўрган устозлар билан ёш шифокорлар ўртасидаги мулоқот ҳар икки томон учун фойдали бўлди.

Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Фарҳод Қамбаров сингари эл севган санъаткорлар жозибали куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Абитуриент — 2009

Юрт меҳри орзулар қанотида

Сурхон воҳаси азалдан ёвқур баҳодирлари, кураги ерга тегмаган полвонлари билан машҳур. Ватан қадри, орномуси, эл корига камарбасталик ҳар бир ўғил-қизнинг қалбидан муқим жой олганлиги бизнинг бахтимиздир. Бугун Қуролли кучларимиз сафида мардонавор хизмат қилаётган, олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олаётганлар орасида воҳа ёшлари ҳам талайгина.

— Ватан ҳимоячиси бўлиш, ҳарбий либос кийиш болалигимдан орзуим эди, — дейди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти 1-курс курсанти Ҳусан Бобоқулов. — Бунга эришиш учун яхши ўқишга, ўз устимда кўпроқ ишлашга интилдим. Ана шу ҳаракатларим натижасиз кетмаганлигидан хурсандман.

Айни кунларда Шўрчи туман мудофаа ишлари бўлими навқирон, қатъиятли ва шижоатли, мардлар касбини эгалламоқчи бўлган йигитлар билан гавжум.

Бу ерда улар республикамизда мавжуд олий ҳарбий билим юртлари, улардаги йўналишлар ва мутахассисликлар, ўқишга қабул қилиш шартлари ва синов шакллари, талаб қилинадиган ҳужжатлар хусусида маълумот берувчи кўргазмали бурчак, маълумотлар ойнаси орқали ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топишлари мумкин.

— Самарқанд олий ҳарбий автомобил қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун ҳужжат тўплаяпман, — дейди Отабек Шоймардонов. — Бу борада туман мудофаа ишлари бўлимида менга батафсил тушунтиришлар беришди. Шу асосда тайёрланаяпман.

— Ёшларимизнинг ҳарбий соҳага қизиқиши кишини қувонтиради, — дейди «Боботоғ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Меликов. — Бу уларнинг миллий истиқлол ғоялари. Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топаётганининг исботидир.

Шу кунларда абитуриентларни тиббий кўрикдан ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрилаётир. Олий тоифали шифокор Абдурашид Шоймардонов бошчилигидаги Ўрозали Юсупов, Лола Усмонова, Муқаддас Эшматова, Менгқобил Тўраев каби шифокорлар бу ишга катта масъулият билан ёндашаётганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

— Муддатли ҳарбий хизматни ўташ, шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасалари курсанти бўлиб, келгусида офицер сифатида Ватан осойишталигини асрашга муносиб ҳисса қўшиш ёшларимиз учун шарафли ишга айланиб улгурган, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи майор Акбар Рашидов. — Ота-оналар ҳам фарзандларининг эр йигитга ярашадиган касбни танлаганликларидан қалбда ифтихор туйғусини ҳис қилишмоқда.

Миллий армиямиз сафларида бугун ҳарбийликни шунчаки касб эмас, балки муқаддас бурч деб биладиган фидойи фарзандлар хизмат қилаётгани айни ҳақиқат.

Жамшид НИЁЗОВ

Касаба уюшма спорти

Наманган

«Саломатлик» спартакиадаси

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб тиббиёт коллежлари талаба-қизлари ўртасида волейбол ва стол тенниси бўйича 2-анъанавий «Саломатлик» спартакиадасини ўтказди.

Волейбол бўйича Наманган шаҳар тиббиёт коллежи талаба-қизлари, стол тенниси мусобақасида эса Чуст тиббиёт коллежи жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди.

Р.РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши раиси

Самарқанд

Қашқадарёликлар ғолиб

Самарқанд шаҳрида дуатлон бўйича мамлакат биринчилиги куч, маҳорат ва сабот-матонат намойишига айланди. Кескин курашлар остида ўтган мусобақада қашқадарёликлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашди.

Дуатлончилар ғалабасига тажрибали мураббий Элдус Бикмаев шогирдлари Жасур Ҳалилов, Ленур Қодиров, Фаррух Ражабов, Оксана Васильева, Полина Яналина, Владимир Звешкинов, Кирилл Белококов муносиб ҳисса қўшди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Хоразм

Майдонда аёллар

Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан ҳамкорликда Урганч ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи спорт залида аёллар жамоалари ўртасида волейбол мусобақасини ўтказди.

«Хоразм Телеком» филиали, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали, «Матбуот тарқатувчи» ШК, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ва Хоразм вилояти ахборот кутубхона маркази жамоалари мусобақага пухта ҳозирлик кўрганликларини амалда исботлаш учун астойдил ҳаракат қилишди.

Гуруҳда учала ўйинни ғалаба билан якунлаган Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Хоразм филиали вакиллари ўртасидаги баҳсда ғолиб аниқланди. Университет жамоасига омад кулиб боқди.

А.БЕКҲАЗАРОВ

Футбол

Кайфият аъло

Футбол бўйича миллий терма жамоамиз 2010 йилги жаҳон чемпионати 4-саралаш босқичи 6-турида Қатар терма жамоаси устидан 4:0 ҳисобида ғалабага эришди. Ўйин олди матбуот анжуманида қатарликларнинг франциялик устози Бруно Мэтьсю: «Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан эмас, уларнинг ғалабага бўлган иштиёқидан чўчияпман. Чунки бу улар учун сўнгги имконият», деб фикр билдирганди. Бу нарса амалда ўз тасдиғини топди. «Пахтакор» ҳужумчиси Фарҳод Тожиевнинг хет-треги ва иккинчи бўлимда захирадан туширилган Анвар Солиевнинг голи майдон эгаларига дастлабки уч очкони келтириш билан бирга Дохадаги биринчи ўйин учун ҳам «ўч олишга» кўмаклашди. Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Япония терма жамоаси Баҳрайнни қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

6-турдан кейин гуруҳдаги вазият:

№ Жамоа	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. Япония	5	3	2	0	8-3	11
2. Австралия	4	3	1	0	6-0	10
3. Ўзбекистон	5	1	1	3	5-6	4
4. Баҳрайн	5	1	1	3	4-6	4
5. Қатар	5	1	1	3	4-12	4

Терма жамоамиз эртага Австралияда майдон эгаларига қарши тўп суради.

ЎФФ матбуот котиби Санжарбек Ризаев жамоамизнинг Австралияга етиб боргани ҳақида қуйидаги ахборотни тақдим қилди:

— Ўзбекистон ҳаво йўллари авиалайнерида 29 март, тунги соат 24:15 да йўлга чиққан делегация аъзолари деярли 16 соат давомида самолёт бортида бўлишди. Парвоз икки қисмдан иборат бўлди. Дастлаб Малайзияга етти ярим соат училган бўлса, Куала-Лумпур халқаро аэропортидаги 1 соатлик кутишдан сўнг, 8 соатдан ошиқроқ вақт мобайнида Австралия томон парвоз қилинди.

Сидней порти яқинида жойлашган муҳташам "Kraun Plaza" меҳмонхонасига жойлашган терма жамоамиз делегация аъзолари тамадди қилиб, бироз ҳордиқ чиқаришди. 30 март тонгида Тошкентда ҳали ярим тун эканлиги ҳақида сўзлашиб, Австралия терма жамоаси ҳақида фикр юритаётган футболчиларнинг кайфияти аъло даражада эди. 30 март оқшомида икки терма жамоанинг норасмий машғулотлари ўтказилди.

Пим Вербек бошчилигидаги Австралия терма жамоасининг мураббийлар штаби Ўзбекистонга қарши учрашувга «Эвертон» ярим ҳимоячиси Тим Кейхилл ва «Галатасарой» ҳужумчиси Гарри Кьюэлли таклиф этишни маъқул кўришди. Ҳар иккала футболчи ҳам жароҳат туфайли «яшил қитъа» вакилларининг 11 февралда Япония термаси билан ўйинини (0:0) ўтказиб юборишганди. Миржалол Қосимов шогирдларига қарши Москванинг «Динамо» клуби аъзоси Люк Уилкшир ҳам майдонга тушиши кутилмоқда. Айнан у Тошкентдаги дастлабки баҳсда ягона гол муаллифи бўлган Бред Эмертонга аниқ тўп етказиб берганди.

Акмал АБДИЕВ

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши кенгашнинг Самарқанд вилояти Иштихон тумани бўйича вакили Умурзоқ Баратовга онаси

Бахмал БЕРДИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тадбир

Тажрибалар ўртоқлашилди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ЎзКУФК IV қурултойи қарорларини бажаришда бошланғич касаба уюшмаларининг ташкилий вазифалари мавзусида беш кунлик семинар ташкил этди.

Семинар қатнашчилари юқори малакали мутахассис ҳамда кўп йиллик тажрибага эга бўлган касаба уюшма етакчиларидан сабоқ олишди. Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари, хусусан, Эски шаҳар мавзесида жойлашган Ҳазрати имом (Хастимом) жоме масжидини бориб кўришди, Собир Раҳимов туманида жойлашган 17-оилавий поликлиника фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Ўқув давомида вилоятлардан келган ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик, — дейди Ургут туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Сайфитдин Қулмуродов. — Бу келгуси ишларимизда жуда асқотади.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Зиё улашиб...

Маънавий қудрат тимсоли

Китоб билан ҳамиша ҳамнафас киши ақлан баркамол, тафаккури етук инсон бўлиб улғайиши ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимиздаги энг йирик китоб маркази ҳисобланган «Шарқ зиёкори» ижод аҳлининг азму қарори ҳам ана шу мақсадга хизмат қилишдир.

«Шарқ» НМАК таркибида 1996 йилда ташкил этилган китоб маркази 2006 йилдан мустақил акционерлик жамияти сифатида фаолият юрита бошлади. Ўтган давр мобайнида марказ бир қатор таҳсинга лойиқ ютуқларга эришди. Агар 2006 йили китоб марказида 1000 номдаги китоблар савдога қўйилган бўлса, айни кунда 5000 дан ортиқ номдаги китоб мавжуд. Уларнинг 2500 номдагиси бевосита мамлакатимиз нашриётларининг маҳсулотларидир. Китоб савдоси ўтган йиллардагига нисбатан 26 фоизга ўсганлиги, айниқса, қувончли ҳолдир.

Кези келганда «Шарқ зиёкори»нинг барча вилоятларда китоб дўконлари мавжуд бўлиб, бултур Наманган вилоятидаги китоб дўкони қайтадан таъмирлангани ҳамда Қаршида икки қаватли замонавий, кўркам китоб дўконининг фойдаланишга топширилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Одамларнинг турли соҳадаги адабиётларга нисбатан қизиқиши йил сайин ортиб бормоқда, — дейди «Шарқ зиёкори» ОАЖ директори ўринбосари Умид Ҳолиқов. — Жумладан, тарихий-мумтоз адабиётлар, болалар адабиёти, энциклопедик асарлар анча харидоргир. Масалан, «Ўзбекистон энциклопедияси», 5 томлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», «Саҳиҳи Бухорий», Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар», Тоҳир Малик асарлари ҳамда жаҳон адабиётининг қатор намуналари мухлислар томонидан яхши кутиб олинди. Бу йилги режаларимиз ҳам анча салмоқли. Жиззах, Урганч, Андижон ҳамда Навоий каби шаҳларимизда замонавий китоб дўконлари очилган. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан эса Жарқўрғон, Хонқа, Боғдод, Марғилон, Нарпай каби чекка туман ва қишлоқларимизда ҳам ушбу хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Дарвоқе, яқинда Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидан тушган таклифга асосан ўша ерда китоб уйини ташкил этиш борасида иш олиб борилаяпти.

Шунингдек, марказда эл суйган, атоқли ёзувчи ва шоирлар билан доимий учрашувлар ўтказиш анъана тусини олган. Бу китобхонларнинг адабиётга янада яқинлашувига кўмаклашмоқда.

«Шарқ зиёкори» китоблари уйи доимий равишда Ўзбекистонда чоп этилган сифатли ва мазмунли китоблари билан Россия, Германия ва Франция каби давлатларда ўтадиган халқаро китоб ярмаркаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Акмал ТОШЕВ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ
O'K.U.F. F.T.U.U.
ОЛИЙ ВАХТ

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-03-90

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Махамов

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 23.30

Буюртма Г — 214

20767 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

256